

Уламоларнинг Тошкент вилоятига ташрифи мўмин-мусулмонларга маънавий тухфа бўлмоқда



15:00 / 13.07.2021 2379

Пешин намозидан кейинги маърузалар одамлар маънавиятини юксалтириб, диний савиясини оширмоқда.

Бугун Ўзбекистон мусулмонлари идораси раисининг ўринбосари Иброҳимжон домла Иномов Чиноз туманидаги “Саидрахмон тўра”, ўМИ раиси маслаҳатчиси Салоҳиддин домла Шарипов “Янги Чиноз”, Тошкент шаҳар бош имом-хатиби ўринбосари Абдуқаҳҳор домла Юнусов Оққўрғон туманидаги “Эрбўта қози”, Тошкент шаҳридаги “Исломобод” масжиди имом-хатиби Абдуллоҳ домла Йўлдошев Қуйи Чирчиқ туманидаги “Янги маҳалла”, Тошкент шаҳридаги “Тўхтабойвачча” масжиди имом-хатиби

Зокиржон домла Шапифов “Ўнқўргон” жоме масжидга ташриф буюриб, маърузалар қилиб беришди.

Дилдан қилинган суҳбатлар савол-жавобларга уланиб, намозхонларда катта таассурот қолдирди.

Image not found or type unknown




Image not found or type unknown



Image not found or type unknown



Бугунги ташриф асносида Ўзбекистондаги ислом цивилизацияси маркази масъул ходими Абдор Мухтор Али ва Тошкент вилояти бош имом-хатиби Жасурбек домла Раупов Чиноз тумани “Қози” маҳалласида бунёд этилаётган “Қози маҳалла” янги масжид қурилиши жараёнини кўздан кечиришди.

Image not found or type unknown




Image not found or type unknown



Image not found or type unknown



Image not found or type unknown



Уламолар уста-қурувчиларга зарур маслаҳат ва тавсиялар беришди. Янги жоме ичга тушиши билан ўз бағрига 4 минг намозхонни сиғдира олади.

Аллоҳнинг байти тез орада фойдаланишга топширилишини сўраб, хайрли дуолар қилинди.